

ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 101

Бухоро шаҳри

24 « 01 » 2022 йил

UZJUNIMPEKS МЧЖ, (ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади) номидан ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Идиева М (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Вилоят Перинатал маркази (корхона, ташкilot, муассаса номи), (кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади) номидан ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Директор Н Р Бахронова(вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

3. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Мол гушти	кг	10	55000	550 000
	Жами				550 000

1.2.Шартноманинг умумий суммаси: 550 000 сум

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 550 000 сумни ташкил этади.
- 2.2. Юқорида кўрсатилган суммадан шартнома умумий сумманинг тулов жадвал буйича таксимланган ойлик суммасининг 30 %и миқдоридан олдиндан 2022 йил юқоридаги жадвалда кўрсатилган ойларида, якуний тўловнинг 70% миқдори ҳисоб-фактура тақдим қилингандан сўнг 30 кун мобайнида амалга оширилади.
- 2.3. Товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: Товар (маҳсулот)ни 2022 йил юқоридаги 2.1 банддаги тулов жадвалига асосан ҳар ойнинг 30 санасигача ойма-ой етказиб берилди.
- 2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.
- 2.5. Маҳсулотни етказиб бериш муддати: 2022 йил «31» Декабр гача.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
 - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
 - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
 - 3.1.3. Сотувчи тўпланда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
 - 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
 - 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
 - 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши буйича қабул қилиб олади.
 - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
 - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдоридан неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 3.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорда жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Газна ижроси қондаларига” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАР «СОТУВЧИ»

UZJUNIMPEKS МЧЖ

Бухоро туман ИСТИКБОЛ КФЙ
Телефон 2215604 982745005,914493303
Х.рақам 20210000404303049001
МФО 00118 ИНН 204785961
ХХТУТ 81100
Халкбанки Ф.Хужаев филиали

[Handwritten signature]

Идиева

Рахбар



Вилоят Перинатал маркази
Бухоро шаҳар Намозгоҳ № 2
Телефон-факс-221 26 06 221 28 08

ш/х- 100021860064017073310054002
401321860064017073310054002
Бюджетдан маблағ олувчининг ИНН:201977258
ОКОНХ-91516

Газначилик булинмаси номи: Бухоро вилоят
газничлиги бошқармаси х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош
бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази
МФО: 00014

Газначилик бошқармаси СТИРи: 201122919

Директор Н.Р. Бахронова



[Handwritten signature]